

Икки буюк аллома ижодида Ватан мадҳи

(Алишер Навоий таваллудининг 575 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 533 йиллиги муносабати билан таълим муассасаларида “Навоийхонлик” ва “Бобурхонлик” ойлигини ўтказиш юзасидан тавсиялар)

Халқ, ҳақиқат ва нафосат ўлмайди, буларни ардоқлаган, куйлаган улуғлар ҳам мангудир, ҳамиша авлодлар дили ва тилида барҳаётдир. Ҳа, орадан жуда катта вақт ўтсада улуғ бобокалонларимиз Навоий ва Бобур ҳам ўз асарлари орқали барҳаётдир, улар биз билан яшаб келмоқда.

Улар ҳайратомуз гўзал ва мўъзижакор нафис, қуёш янғлиқ сўнмас ва олтинга ўхшаб қораймас, ранг-баранг ва сеҳрли бадиият яратди. Бу икки замондош шоир ўз асарларида ажойиб инсоний туйғуларни траннум этди. Мана шундай ўлмас, бебаҳо туйғулардан бири бу Ватан туйғусидир. Навоий ва Бобургача бўлган ижод аҳли у ёки бу кўринишда ватанни улуғловчи асарлар ёзган. Бироқ улардан ҳеч бири бу муқаддас мавзунини икки буюк қалб эгасичалик кенг ва теран куйламаган. Ҳар икки ижодкор лирик шеърларида ҳам, эпик асарларида ҳам Ватан мавзусини маҳорат билан тараннум этди. Ҳатто Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн” сингари илмий асари ҳам юксак ватанпарварлик руҳида яратилди. Ўзининг “ватанга раҳнамоёе” билган Навоий “Садди Искандарий” достонида донишмандлик билан шундай деган эди:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама...

Ажабмаски, Навоийнинг бу дурдона фикрлари Бобурга башорат бўлиб туюлган бўлса. Бобур ҳали юрт илҳомларини ўз қалбига тўла ошно қилмай туриб, ўспирин чоғлариданоқ кўлига қилич тутганлиги тарихдан яхши маълум. Бобурнинг дилида салтанат ишқи, Ўрта Осиёни ягона қудратли давлатга бирлаштириш ҳаваси жўшиб, туғён қиларди. У бу ҳаракати билан ўзаро қирғин-қабоҳатларга барҳам бermoқчи бўлди, лекин тарихнинг шафқатсиз тўлқини унинг ўзини азиз тупроғидан, Ватанидан бадарға этди. Бобур “охирул-амр” “Ўз ерни қўйиб, Ҳинду Афғон сори” юзланди. Мана, шоирнинг ўзи ҳасрат, афсус ва надоматлар билан бу ҳақда нима деган эди:

Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Тирик бўлатуриб ўз жонажон диёридан жудо бўлган шоир умр бўйи Ватанни эслаб, ҳижрон ўтларида ёниб, ғуссага кўмилиб яшади. Бобур сўнгги нафасигача она юрт ҳаёли билан яшади. Шоир рубоийларида ватан мавзуси марказий ўринни ишғол этди. Шоир олис юртларда ватанини кўмсаб жуда кўплаб рубоийлар ёзди. Муҳими шундаки, бу шеърларнинг аксарияти бевосита Алишер Навоийдан илҳомланиб, улуғ шоир рубоийларига татаббу сифатида яратилган.

Масалан:

Ғурбатта ғариб шодмон бўлмас эмиш,

Эл анга шафику меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш.

Навоийнинг мазкур рубоийсига Бобурнинг куйидаги тўрлиги шакл ва мазмун жиҳатидан ғоятда мос келади:

Ёд этмас эмиш кишини ғурбатда киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни меҳнатда киши.
Кўнглум бу ғарибликда шод ўлмади, оҳ,
Ғурбатда севинмас эмиш, албатта, киши.

Бобур Навоийдан биринчи навбатда бадииятни, ўз фикрини рубоийда юксак маҳорат билан ифода этиш сирларини ўрганди. Алишер Навоий рубоийларидан бирида ғариблик туйғусини мана бу шаклда ифода этади:

Мунглуғ бошим остидоғи тошимниму дей?
Тош устидаги ғариб бошимниму дей?
Ҳасрат суйидин кўзимда ёшимниму дей,
Ўлмакдин саъброқ маошимниму дей?

Бобур Навоийнинг мазкур рубоийсига пайравлик қилади ва ёзади:

Ғурбат туғи ёпқон руҳи зардимниму дей?
Ё ҳажр чиқорғон оҳу сардимниму дей?
Ҳолинг не дурур билурмисен дардимни,
Ҳолинг сўрайму, йўқса дирдимниму дей?

Навоий рубоийда поэтик фикрни савол-мурожаат усулида баён этади. Натижада тўртликдаги ҳар бир мисрани лирик қаҳрамоннинг изтиробли ҳислари тўлдириб турганга ўхшайди. Навоий рубоийда ҳис, фикр ва манзарани маҳорат билан бир-бирига омукта этган. Навоийнинг бу рубоийси мана шунга ўхшаш жозибадор қирралари билан Бобурни мафтун этган. Бобур яратган тўрлик ҳам ўзига хос руҳи, маъно товланиши жиҳатидан оригинал асар даражасига етган. Бобур Навоий рубоийлари илҳомида шеър ёзганда бирор вақт ҳам мана шу позициядан чекинмайди Кўпинча гўё устози билан шеърини мусобақага киришгандай, соз пардаларини Навоий чалган оҳангларга қараб мослагандай бўлиб кўринади. Масалан, куйидаги рубоий Навоий қаламига мансуб:

Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ,
Жониға балову дард ўкин урди фироқ.
Жисмимни фано ўтиға куйдирди фироқ,
Чун куйди, кулини кўкка совурди фироқ.

Мана бунисини эса Бобур ёзган:

Андин бериким қасдим учун ... рди фироқ,
Юз дарду аламини менга еткурди фироқ.
Мени эшигингдан, нетайин, сурди фироқ,
Қил чора, йўқ эрса мени ўлтурди фироқ.

Бу робоийларнинг ҳар иккаласи ҳам фироқ азоблари ҳақида айтилган ажойиб фироқномалардир. Уларнинг ҳар бири ўзича гўзал ва оригинал асарлардир. Навоий куйлаган “фироқ” мазмуни кўпроқ анъанавий характерга эга бўлса, Бобур унга ўзининг Ватандан жудоликда туғилган қайғу-алам ҳисларини сингдирган.

Навоийнинг Бобур рубоийларига таъсири шунчалик зўрки, улар маъно қирралари билангина эмас, шакл белгилари, тасвир воситалари билан ҳам бир-бирларига ўхшаб кетади. Алишер Навоий рубоийларидан бирида шундай дейди:

Андин бериким кошимда ёрим йўқтур,
Ҳижронда жуз нолаи зорим йўқтур.
Дашт узра қуюн каби қарорим йўқтур,
Саргашталигимда ихтиёрим йўқтур.

Бобур эса шундай ёзади:

Кўпдин бериким ёру диёрим йўқтур,
Бир лаҳзау бир нафас қарорим йўқтур.
Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,
Лекин боруримда ихтиёрим йўқтур.

Бобур Навоий йўлидан бориб, ёлғиз ёрдан жудолик аламларини куйлаш билан кифояланмайди, балки бу ҳисга диёр фироқини ҳам уйғунлаштириб, мавзунинг қулочини ёзади, Ватан соғинчини тараннум этади.

Кўриниб турибдики, ҳар икки буюк ижодкор жанр жиҳатидан энг кичик асарларида ҳам Ватан туйғусини баланд пардаларда куйлаган. Навоий ва Бобур асарларининг мавзу жиҳатидан ранг-барағлиги, мафтункорлиги, уларни ўқиган инсоннинг қалбини завқу шавққа тўлдиради. Улардан ҳар қандай китобхон ўзига маънавий озуқа олади, руҳияти гўзаллик билан бойийди.

Ўзбек халқи ҳар йили февраль ойини ўзига хос кўтаринкилик, катта тайёргарликлар билан қарши олади. Негаки, бу ойда ўзбекнинг ғурури ва ифтихори бўлган, йирик мутафаккир шоир, олим ва давлат арбоблари, улуғ алломалар Низомиддин Мир Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурларнинг таваллуд айёмлари мамлакат бўйлаб кенг нишонланади.

Бу йил “Навоийхонлик” ва “Бобурхонлик” ойлиги республикамизда, таълим тизимларида, барча ташкилот ва муассасаларда катта кўтаринкилик билан ўтказилиши режалаштирилган. Шунинг ҳисобга олиб, мазкур тантаналарга пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Мақсад, Навоий ва Бобур меросини ўргатиш орқали инсонни, ўқувчини ўзини танишга, нима учун яшаётганлиги, нималарга масъуллиги, ўзининг тарбияланиши учун ўзи ҳаракат қилиши кераклигини англаштириш.

“Навоийхонлик” ва “Бобурхонлик” ойлигини ўтказиш бўйича тадбирлар режасини тузишда нафақат шоирларнинг таваллуд кунлари, балки “Навоийхонлик” ва “Бобурхонлик” ойлиги давомида амалга ошириладиган тадбирлар назарда тутилиши лозим.

Буюк мутафаккирларимиз таваллуди муносабати билан вилоят халқ таълими бошқармалари, туман халқ таълими бўлимлари, ҳокимликлар ҳомийлар ҳамкорлигида Навоий ва Бобур ҳаёти, ижоди ва фаолиятини ўрганиш бўйича кенг кўламдаги ишлар режа асосида мунтазам йўлга қўйилиши керак. Бу ишга умумтаълим мактаблари ўқувчи, ўқитувчилари, ота-оналар, маҳалла ва кенг жамоатчилик жалб этилиши, Навоий ва Бобурнинг нурли сиймоларии, ҳикматли сўзлари, уларнинг ижоди ва фаолияти билан боғлиқ кўргазмалар ташкил этилиши талаб этилади.

Ҳар бир умумтаълим мактаби, таълим бошқа тилларда (рус, қozoқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ) олиб бориладиган мактаблар ва мактабдан ташқари муассасаларда ой давомида “Навоийхонлик” ва “Бобурхонлик” ойлиги рукнида:

- **бошланғич синфларда** “Алишер ва Ҳусайн”, “Бобур бобом” “Кичкина китобхон”, “Бобур музейида бўлдик”, “Алишернинг ёшлиғи”, “Алишер ва булбул” каби матн ва ҳикоятлар ўқитилиши, ўз даражаларида муҳокама қилиниши, суҳбат уюштирилиши, кичик- кичик сахна кўринишлари тайёрлаб, эрталикларда, ўқувчи-ўқитувчилар, ота-оналар ўртасида намойиш этилиши улар қалбида буюк боболарига нисбатан меҳр уйғотади.
- **5-7 синфларда** “Одоб – кишининг зийнати”, “Бобур рубойиларини севиб ёдлайман”, “Бобур рубойларида Ватан соғинчи” “Сахийлик ва бахиллик”, “Суҳайл – менинг севимли қаҳрамоним” мавзуларида намунали дарслар, тарбиявий соатлар, кичик сахна кўринишлари; “Биз ҳам ғазал ёдлай оламиз”, “Рубойи сеҳри” мавзуларида ғазалхонлик, рубойи хонлик мусобақалари;
- **8–9 синфларда** “Навоий ва Бобур ижодини севиб ўқийман”, “Навоий – даҳо ижодкор”, “Бобур шоҳ ва шоир”, “Навоий – давлат ва жамоат арбоби”, “Бори элга яхшилиғ қилғил”, “Ўзбек адабий тилининг асосчиси”, “Хамса” – беш мухташам қаср”, “Бобурнома меъмуар асар”, “Алишер Навоий ижодида комил инсон тарбияси” “Асрларни бўйлаган Бобур” мавзуларида бадиий кеча, конференция, семинар-кенгаш, навоийшунос ва бобуршунос олимлар билан учрашувлар;
- “Ғазалхон ёшлигим”, “Ким кўп ғазални ифодали ёд билади? ”, “Навоий ва Бобур ғазалларининг энг яхши ижрочиси” “Навоий дostonларидан ким кўп ёд билади?” мавзуларида ғазалхонлик, рубойи хонлик, баҳру байт, дostonхонлик кечалари ва мусобақалари;

“Навоий Ва Бобур асарлари билимдони”, “Буюк алломаларни ёд этиб”, “Ўйла, изла, топ” мавзуларида заковат интеллектуал мусобақалари, кўрик-танловлар;

“Икки буюк аллома ва замонимиз ёшлари”, “Буюк хамсанавис”, “Навоий ва Бобур ижоди маънавият булоғи” ва бошқа мавзуларида иншолар танлови, деворий газеталар, альбомлар кўрик-танлови;

“Навоий ва Бобур асарларини ўқиш бўйича энг китобхон оила” тадбирларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур асарларини синфда ўқиб-ўрганиш қилинадиган ишларнинг асосийларидан бўлиб, бу юмушга муаллимлар алоҳида эътибор ва масъулият билан ёндошишлари талаб этилади.

Алишер Навоий ва Заҳириддин Бобур ижоди умумтаълим мактабларининг 5–9-синфларида ўрганилади. Узвийлаштирилган “Адабиёт” ўқув дастурида мутафаккирлар ижодидан намуналар ўқувчиларнинг ёши, руҳияти, билим даражаси, жисмоний имкониятлари ҳисобга олинган ҳолда синфларга тақсимланган.

Навоий ва Бобур ижоди бўйича дарс машғулотларини ташкил этишда ўрни билан замонавий интерфаол метод ва улуллардан, АКТлардан фойдаланиш, кўпроқ асар жозибаси, бадииятига, сўз сеҳри, унинг қудратига таяниш, бадиий матн билан ишлашда ўқувчиларнинг ҳар бирига ўз даражасида мустақил хулосага келиш имкониятини бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

“Навоий ва ижод сабоқлари” “Фан” нашриёти, Тошкент – 1981 йил
Умумтаълим мактабларининг 5-9-синф Адабиёт дарсликлари.

Республика Таълим маркази бош методистлари:

Комила Усманова
26.01.2015